

CRITERIA AND INDICATORS FOR ASSESSING THE ACTIVITY OF SMALL BUSINESS ENTITIES IN THE LABOR RELATIONS SYSTEM

Ulugmuradova N. B.
SamSU Human Resources
Department of Management PhD

Kushvakhtov Jamshed
Master of SamSU, 1st year

Annotation:

The article theoretically illustrated the essence and content of labor relations in small business and private entrepreneurship as a result of the analysis.

Key words: Labor relations, employee, employer, mechanization of economic relations, technical and technological relations

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва ролини тобора ошиб бориши, уни янада ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётда ҳал қилувчи соҳага айлантириш учун ушбу соҳани иқтисодий мазмуни, унга таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий омиллари тизимида муҳим аҳамиятни ишловчиларнинг (ижтимоий ва меҳнат) фаоллиги ташкил қилади. Умумий кўринишда фаоллик иқтисодиётда банд бўлганларнинг барчасини кундалик ҳаёт фаолиятининг муҳим қисми сифатида намоён бўлиб, қуйидаги фойдали машғулотлар турларидан: ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва маънавий бойликлар яратишда ишлаш; касб ўрганишда ва малакасини оширишда ижтимоий сиёсий фаолиятда иштирок этишдан (жамоатчилик иши, норасмий бирлашмаларда иштирок этиш, оммабоп чиқишлар, қишлоқ хўжалик ишларида қатнашиш ва х.к.); маданий-маънавий дам олишдан (ҳаваскорлик, ижодиёт, газета, журнал, адабиётлар, ўқиш ва х.к. иборат).

Анъанавий иқтисодий тизим шароитида аҳолининг меҳнат фаоллиги кўпроқ маъмурийлик омиллари билан белгиланган. Бироқ, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимда шахснинг янгича ижтимоий-иқтисодий хулқ-атвори шаклланади ва ривожланиб боради. Аввало, бозор муносабатлари шароитида ижтимоий меҳнат жараёнлари

корхоналар ўртасида ва корхоналараро ўртасидаги алоқадорлик кучаяди, ижтимоий омилларнинг (шахснинг эркинлиги, даромадларнинг ижтимоийлашуви, меҳнат мазмуни ва шароитларининг яхшиланиши, даромаднинг шахс қўшган ҳиссасига боғлиқлигининг кучайиши ва ҳ.к..) шахсни шаклланиши ва ривожланишидаги роли ошади.

Аммо, янгича иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши шароитида аҳолини ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар кам олиб борилган ва бу муаммо фикримизга долзарб бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам чуқур илмий кузатувчилар, тажрибавий таҳлиллар олиб бориш ҳамда таққослаш ва таҳлил этиш усулларининг ишлаб чиқилиши замонавий бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий меҳнат фаоллигини ўрганишда, унинг янада ривожланиши йўналишлари ва қонуниятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳол бизнинг фикримизча, янги иқтисодий муносабатлар шароитларида эркин рақобат ва тадбиркорлик фаолияти афзалликларини фан ва техника ютуқлари билан уйғунлаштиришга имкон беради, бу ҳол бир томондан меҳнат унумдорлиги ва кичик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини жиддий оширишга олиб келса, иккинчи томондан корхоналарда меҳнат шароитларини ходимлар моддий аҳолини яхшиланишига, уларнинг интеллектуал қобилиятлари ва касбий сифатлари ривожланишига ёрдамлашади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат фаолияти соҳаларини танлаш эркинлиги ижтимоий фаол шахс сифатида инсонда ўзининг индивидуал қобилияти, касбий сифатлари, қизиқиши, интилиши ҳамда реал имкониятларига боғлиқ ҳолда меҳнат ташаббускорлигини қуйидаги уч йўналишда намоён этиши мумкин:

Тадбиркорлик, ташкилотчилик ва бошқарувчилик фаолияти соҳасида. Бу соҳа йўналишига тадбиркорлар ва корхонанинг барча даражадаги раҳбарлари киради. Ушбу тоифадаги кишиларнинг меҳнат фаоллиги ва ишчанлик сифатлари иқтисодий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Инновацион соҳада. Бу соҳа – илмий ходимлар, кашфиётчилар, ихтирочилар, мутахассислар, новаторлар ҳамда ижодий-инновацион меҳнат қилувчи бошқа субъектлардан ташкил топади. Инновацияларнинг роли, ўрни ва аҳамияти ошаётган, ҳамда илмий билимларнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг реал омилига айланиб бораётган ҳозирги шароитда ушбу соҳа ходимларининг меҳнат фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ, фикримизча инновацион соҳа ходимларининг меҳнат фаоллиги ҳам, улар меҳнатининг самараси ва салмоғи ҳам, кўп жиҳатдан жамият миқёсида улар учун яратилган муҳити, ҳамда улар меҳнатига бўлган талаб даражасига боғлиқ бўлади. Ижодий

меҳнат ходимлари учун ижодий меҳнат муҳит биринчи соҳа субъектлари томонидан, яъни тадбиркорлар ва менежерлар (иш бошқарувчилар) томонидан яратилади.

Меҳнат фаолиятининг барча бошқа соҳаларида. Иқтисодийда ушбу соҳа ходимлари банд бўлганларнинг кўпчилигини ташкил этади ва унинг таркибига асосан, ишчилар, деҳқонлар, ҳуқуқ муҳофазаси органларининг оддий ходимлари, хизмат кўрсатувчи ва ёрдам кўрсатувчи кичик ходимлардан ва бошқалардан иборатдир. Бу соҳа ходимларининг меҳнати биринчи ва иккинчи соҳа ходимлари меҳнатига нисбатан бўйсунувчанлик аҳамиятига эга бўлса-да, уларнинг меҳнат фаоллигининг юқорилиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг, маҳсулот (хизмат) сифатини яхшилашнинг ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Такومиллашган бозор иқтисодиёти шароитида ёлланма ходимлар иш ҳақини такомиллашуви, корхона фаолияти натижаларига корхона ҳаёт циклига қўшган ҳиссаси даражасига боғлиқлигининг кучайиши учун иқтисодий шарт-шароитлар яратади ва миллий иқтисодий миқёсида юқори ижтимоий меҳнат фаоллигини намоён бўлишига кўмаклашади.

Аслида бизнинг фикримизча, бир томондан рақобат доирасини яхшилаш бўйича аниқ хатти-ҳаракатлар режаси тузилса, иккинчи томондан, эса ана шу ҳаракатлар пировардида ижобий, ёки салбий натижаларга (агар режа бозор талабларидан келиб чиқмаса) эришиш мумкин бўлади. Бир хил режа, стратегия, мақсад ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган тадбиркорлик фаолиятида бир хил бўлмаган ҳолда турли хил натижаларга эришилади. Чунки, корхона субъектларининг меҳнат фаолияти муносабатларининг турли-туманлиги ушбу ҳолатга сабаб бўлади. Айнан тадбиркорлик фаоллигидаги тафовутлар натижаларга таъсир кўрсатади. Шунингдек, айнан тадбиркорлик фаоллигидаги тафовутлар бир хил бошланғич шарт-шароитлар ҳолатида турлича натижалар молиявий, иқтисодий бўлишлигини изоҳлайди.

Тадбиркорлик фаоллигининг омили хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъекти тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги хусусиятлари билан боғлиқ. Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти стратегик мақсадга хусусиятга эга бўлиб, аниқ вақт ўлчамида бошқариладиган ташкил қилинадиган (чунки бозор шароитида ташқи муҳит барқарорлиги кескин ошиб кетди) бўлиши зарур. Айнан стратегик ёндашув тадбиркорлик фаолиятини юқори сифат ва миқдор даражасини таъминлай олади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. 54-б.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган. 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «FAN» нашриёти давлат корхонаси, 2019. 592-б.